

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЭКСПОРТ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ

Тургунов Хошимжон Латипжанович  
Андижон машинасозлик институти таянч (PhD) докторанти  
E-mail: [thoshimjon1977@gmail.com](mailto:thoshimjon1977@gmail.com)

**Аннотация.** Мақолада миллий хўжалигимиз тарақиётида муҳим ҳисобланган омиллардан бири бўлган ташқи савдо, хусусан унинг таркибида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти соҳасидаги айрим долзарб масалалар кўриб чиқилган. Истиқлол даврларида бу борадаги айрим муаммоли ҳолатлар ва уларнинг ечими бўйича тажрибалар тўғрисида фикр юритилган. Шунингдек ҳозирги сифат даврига хос масалалар баёни келтирилиб, муаллиф тавсифлари билдирилди.

**Калит сўзлар:** модернизация, экспорт, бизнес-режа, кластер, қўшилган қиймат, дизайн, стандарт, ҳамкорлик, ихтисослашув, инновация, импорт, калибрлаш, рақамли технологиялар, логистика, техник норма, даромад, фойда.

**Аннотация.** В статье рассматриваются некоторые актуальные вопросы в сфере внешней торговли, в частности, экспорта сельскохозяйственной продукции, что является одним из важных факторов развития нашей национальной экономики. Некоторые проблемы, касающиеся в периоде независимости в этой сфере и опыт их решения обсуждались. Также есть описание вопросов текущего качественного периода и авторские описания.

**Ключевые слова:** модернизация, экспорт, бизнес-план, кластер, добавленная стоимость, проектирование, стандарт, кооперация, специализация, инновация, импорт, калибровка, цифровые технологии, логистика, техническая норма, выручка, прибыль.

**Abstract.** The article describes some topical issues in the field of foreign trade, in particular, the export of agricultural products, which is one of the important factors in the development of our national economy. Some problems related to the period of independence in this area and the experience of their solution is discussed. There is also a description of the issues of the current quality period and the author's descriptions.

**Key words:** modernization, export, business plan, cluster, added value, design, standard, cooperation, specialization, innovation, import, calibration, digital technologies, logistics, technical norm, revenue, profit.

### Кириш

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, айниқса экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун муҳим бўлган соҳавий тадбирлар амалга оширилди. Натижада, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилиш ҳажми сезиларли даражада ошиб бормоқда.

Жаҳон бозорида мева-сабзавот маҳсулотлар савдоси 205 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бир пайтда, республиканинг мазкур бозордаги улуши бир фоизга ҳам етмаяпти. Ушбу маҳсулотларнинг мамлакат экспорти таркибидаги улуши эса атиги 7 фоизни ташкил қилади [1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек: “...қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 132 минг тоннаси қайта ишланиб, 100 миллион долларлик тайёр маҳсулот, эътибор беринг, тайёр маҳсулот

экспорт қилинди. 724 минг тонна хўл мева четга сотилди ва бу юртимизга 856 миллион доллар валюта келтирди. Ҳолбуки, илгари минг-минг тонна турли ширин-шакар меваларимиз далада қолиб, чириб кетар, исроф бўларди, энг ёмони, увол бўлар эди” [2].

Юқорида таъкидланганидек, мева-сабзавотчилик экспортини бугунги кундаги 1,2 миллиард доллардан камида 5 миллиард долларга кўпайтириш бўйича барча имкониятлар бор [3].

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Жаҳон банкининг қишлоқ хўжалиги бўйича етакчи иқтисодчиси Сергей Зоря [4] мамлакатимизнинг агро озиқ-овқат маҳсулотлари экспортидаги қўйидаги масалаларга эътиборини қаратади:

Биринчидан, 2018 йилда Ўзбекистон агро озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт қиймати бор-йўғи 1,3 млрд долларни ёки ҳар гектар маҳсулдор ерга нисбатан 330 долларни (2020 йилда Пандемия шароитига қарамасдан 1 008,6 млн. АҚШ доллари қийматли 1 485,0 минг тоннадан зиёд мева-сабзавот экспорт қилинган) ташкил қилди. Таққослаш учун, ўша йили Вьетнам 40 млрд. АҚШ долларлик қишлоқ хўжалик маҳсулотини экспорт қилган. Бу давлатнинг экспортдан олган фойдаси ҳар бир гектар ерга ўртача 6100 долларни ташкил қилади.

Иккинчидан, жаҳон савдо ташкилоти таркибига кириш учун ҳукумат томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислоҳот ва чора-тадбирлар Ўзбекистон учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хусусан мева-сабзавотларни жаҳоннинг кўпчилик мамлакатларига экспорт қилиш имконини беради.

Учинчидан, экспорт имкониятларини амалга оширишда меҳнат ресурсларининг кенг миқёсда иштирок этишини таъминлаш заруриятидир [5].

Қишлоқ хўжалиги иқтисоди ва менежменти бўйича етакчи мутахассис Андрей Ярмак[6] Ўзбекистонда мева-сабзавотлар экспортчиларнинг қўйидаги одатий хатоларини санаб ўтади:

- кўпчилик қишлоқ хўжалиги соҳасида бизнес-режаларни ҳисоблаганда маҳсулотни ишлаб чиқаришга (етиштиришга) кетадиган харажатларга асосий эътиборни қаратади. Аммо маҳсулотни сақлаш ва уни истеъмол учун тайёр маҳсулотга айлантириш инфратузилмасига сарфланган харажатлар, одатда, ҳар бир гектар майдон ҳисобига, боғни барпо қилишдан қимматроққа тушади. Кўпчилик бунини тушунмайди;

- етиштирган маҳсулотни сотишга ҳаракат қилиш ўрнига мижоз ва истеъмолчиларга қандай маҳсулот кераклиги билан қизиқиш, тегишли ва зарур сифат, нав, таъм, калибр, қадоқлаш ва ҳ.к.ни таъминлаб бериш” деган тушунчанинг етишмаслиги;

- мева-сабзавотчилик маҳсулотлари ҳажмларининг йилдан-йилга ошиб бориши сақлаш ва қайта ишлаш тармоғидаги бир қатор муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, соҳани ислоҳ қилишда замонавий инновацион, ресурс тежайдиган рақамли технологиялардан кенг фойдаланмаслик.

Ҳозирги даврнинг долзарб муаммоларидан бири бўлган бу соҳада юртимизнинг кўплаб олимлари тадқиқот олиб боришмоқда. Мазкур масалада С. Хасанов қўйидаги муаммо ва камчиликларни келтирган:

- транспорт ва логистика соҳаси замон талабидан ортда қолмоқда;

- мавжуд совутгичларнинг аксарияти маънан эскирган, технологик жиҳатдан янгиланмаган, замонавий технология ва рақамли инновацион ишланмалар лозим даражада татбиқ этилмаганлигидир [7].

Ш.Т. Ҳасанов республика қишлоқ хўжалигидаги жорий муаммоларни қуйидагича тавсифлайди:

- доимий мижозлар ва барқарор етказиб берувчиларнинг етишмаслиги;
- улгуржи ва савдо тизимини молиялаштириш билан боғлиқ муаммолар [8].

К.И. Сирождидинов қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспортидаги муаммолардан яна бири, етиштирилаётган маҳсулотнинг ривожланган мамлакатлардаги мавжуд стандартларга номувофиқлиги деб ҳисоблайди [9].

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларнинг ўзлари хорижий бозорларни ўрганиб, шартномалар тузиб ва маркетинг тадқиқотларини ўтказмаётганликлари сабабли мустақил равишда экспорт қилиш имкониятига эга эмас.

### **Тадқиқот методологияси**

Таҳлил жараёнида мутлақ ва нисбий тафовутлар, гуруҳлаш, эксперт баҳолаш ва прогноз, илмий абстракциялаш усулларида фойдаланилди.

### **Таҳлил ва натижалар**

Маълумки, хорижда Ўзбекистонда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талаб юқори. Агрологистика хизмати, мева ва сабзавотларни халқаро стандартлар асосида қадоқлаш, чет элдаги харидорларга жўнатиш талаб даражасида эмас. Шу сабабли стандартларга эътибор қилмайдиган давлатларга арзон нархига сотилмоқда. Чет элларга жўнатиш билан боғлиқ муаммолар сабабидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифати бузилиб, исътемолга яроқсиз ҳолга келиб қоляпти.

Юқори сифатли ва хавфсизлик кўрсаткичлари талабларига жавоб берадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб ва етказиб бера олсак, жаҳоннинг ҳар қандай мамлакатига экспорт қилиш имконияти пайдо бўлади. Шунингдек, ёнғоқ, музлатилган ва қуритилган мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорти географиясини кенгайтириш имкониятлари чексиз деб ҳисоблаймиз.

Мамлакатимиздаги мавжуд табиий-иқлим шароити қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун катта имкониятдир. Ундан оқилона фойдаланилса, маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш кенгайтирилса экспорт ҳажмини ошириш мумкин.

Шуларни ҳисобга олиб, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг 21 та қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29 та фармони ва 149 та қарори, Ҳукуматнинг 185 та қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва саноатдаги ислохотлар тўғрисидаги қарори қабул қилинди. 2019 йилда “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегияси” қабул қилинди [10].

Статистик маълумотларга эътибор қаратсак, айни пайт мамлакат иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланган қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши қарийб 16,3 фоизни ташкил қилмоқда. 82 мингга яқин фермер хўжалиги 3 млн. гектардан ортиқ ерда деҳқончилик қилиб, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноатни хомашё билан таъминляпти. Шу боисдан мазкур

соҳани янада тараққий эттириш, айниқса аграр соҳа маҳсулотларини Ўзбекистон ҳудудида тўлиқ қайта ишлашни йўлга қўйиш муҳим масалалардан биридир.

Мамлакатимиз иқтисодиётида валюта сиёсатини либераллаштириш, экспортда чекловларни, экспортда монополияларни чеклаш, экспорт қилинаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун тўловнинг 100% олдиндан тўловни, мева ва сабзавотлар учун экспорт нархларини белгилаш, давлат савдо компаниялари орқали мажбурий экспорт, минимал экспорт нархларини аниқлаш каби тўсиқларни бекор қилиниши орқали анча ютуқларга эришдик. Аммо қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортида етарли натижаларга эришдик деб айта олмаймиз. Хорижий бозорларга кўплаб маҳсулот турлари бўйича кириш имкониятига эга бўлсақда, талаб даражасидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг катта ҳажмини таъминлашнинг уддасидан чиқа олмаяпмиз. Бозорни тушунишдаги ёндашувларимизни тубдан ўзгартишимиз орқали барқарор натижага эришишимиз мумкин.

Ўзбекистон баргак (данаксиз туршак) етиштириш бўйича дунёда иккинчи, ўрик ва кишмиш етиштириш бўйича тўртинчи, қора олхўри ва гилос етиштириш бўйича бешинчи, олхўри ва шафтоли етиштириш бўйича еттинчи ва тўққизинчи, ўзум етиштириш бўйича ўн еттинчи ўринда туради.

Ушбу фаолият тури бўйича юртимизда фаол иш олиб бораётган тадбиркорлардан бири, “Caravan Gardens” компанияси бош директори Ж. Абдуллаев ўз сўзида: “Мен 2019 йилда Ўзбекистондан 3 млн 347 минг АҚШ долларлик мева-сабзавотларни экспорт қилдим. 2018 йилда бу кўрсаткич 2 млн 129 минг, 2017 йилда 863 минг, 2016 йилда 257 минг АҚШ долларни ташкил қилган эди. Конвертациянинг эркинлашуви, экспорт чекловлари, соҳадаги яширин солиқлар ва экспорт қилинадиган маҳсулотлар учун олдиндан тўловнинг бекор қилиниши, экспорт қилувчиларга Марказий банкдан нақд пул берилиб, уларнинг томорқа эгаларидан маҳсулотларни нақд пулга сотиб олишига имкон берилиши компаниямнинг экспорт ҳажми кескин ошишига хизмат қилди. Биргина давлат томонидан экспорт сиёсатининг либераллашуви натижасида компаниямнинг маҳсулот айланмаси шу даражагача кўтарилди.

Хитой гилосни 15 доллардан олишга тайёр. Лекин уларнинг тасаввуридаги гилос билан биз биладиган гилоснинг ўртасида катта фарқ бор. Таваккал қилиб Хитойга олиб борилган тонналаб гилоснинг 10 фоизигина уларнинг талабига жавоб беради, қолганини қайтаришади. Россия ва БАА билан ҳам шунга ўхшаш муаммо бор. Маҳсулотларимиз у ерда асосан зараркунандаларни деб чиқитга чиқиб кетмоқда. Россияда маҳсулот таркибида қандайдир ҳашорат аниқланса, бутун бошли партияни йўқ қилишади. Шу сабабли ҳозир ўзимизда ҳам лабораториялар ташкил этилди, экспорт учун мўлжалланган маҳсулотларни аввал шу ерда текширувдан ўтказяпмиз”- дея айрим муҳим масалаларга урғу берган [11].

Тадбиркор Ж. Абдуллаев томонидан юқорида келтириб ўтилган карантин билан боғлиқ муаммолар “Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши билан бартараф этилмоқда. Ушбу ҳужжат аҳолига сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш, турли зарарли организмларнинг юртимизга кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини ривожлантиришда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунингдек, “Селекция масаласи катта муаммо. Масалан, Россиядан бир хил катталиқдаги булғор қалампирига катта миқдорда буюртма бўлиб қолади гоҳида. Афсуски, Ўзбекистонда бундай сифатдаги маҳсулотни катта миқдорда топиш ҳозирча имконсиз. Бу эса маҳсулотлар навларини қайта кўриб чиқиш, узоқ вақт сақланадиган, экспорт қилаётганда йўлда сифати бузилиб қолмайдиган, хориждаги дўконлар ва савдо марказлари оғринмай оладиган маҳсулотларни етиштиришни йўлга қўйишимиз керак”, – деб ҳам таъкидлайди [11]

Бугунги кунда жаҳон озиқ-овқат бозорларига ўз маҳсулотларини экспорт қилувчи товар ишлаб чиқарувчилар олдида турган энг муҳим вазифалардан бири – бу маҳсулотларнинг рақобатбардошлиқ даражасини баҳолай олиш ва тўғри аниқлашдир.[2]

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ташқи кўриниши, таъм хусусиятлари ва асл ҳолатини сақлаб қолиши жаҳон бозорларида юқори нархларда сотиш имконини беради.

### 1-жадвал

#### Рақобатбардошлиқни таъминловчи ва ифодаловчи кўрсаткичлар

Халқаро бозорларидаги рақобатбардошлиқни таъминловчи сифат кўрсаткичлар	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар
маҳсулотнинг ранги	маҳсулотнинг нафлиги, таъм ва истеъмол хусусиятлари
силлиқлиги	маркетинг ва реклама-ахборот билан таъминланганлик даражаси
бандларининг мавжудлиги	сифат кўрсаткичлари
диаметри	дизайни ва қадоқланиши
доғлилик даражаси	маҳсулотни бозор сигментларига кўра табақалаштириш
оғирлиги (массаси)	нархи
серсувлик миқдори	таннархи
қуруқлик моддаси	экологик хавфсизлиги
қанд миқдори	техник нормалар ва стандартларга мослиги
умумий кислоталик даражаси	кафолатлар билан таъминланганлиги ва кафолат бериш муддатлари
пектин моддалар миқдори	сотишдан олдинги ва кейинги сервис
аскорбин кислотаси миқдори	рақобат бозорида товарнинг ўз вақтида пайдо бўлиши

*Манба. Жадвал муаллиф томонидан тайёрланди.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида 2020–2030 йилларда жами 1,1 млн. гектар фойдаланилмаётган ерлардан фойдаланиш режалаштирилган.

Фойдаланилмаётган ерлардан биз қанча даромадларни йўқотмоқдамиз? Экспорт қилинган бир тонна маҳсулотнинг ўртача нархи қанча? Бу саволларга жавобни қуйидаги фикр-мулоҳазалардан билиб олишимиз мумкин.

Ҳисоб-китобларга кўра, 1 гектар майдонда етиштирилган пахтага нисбатан узумдан 7 баробар, гилосдан 6 баробар ва ёнғоқдан 5 баробар кўп даромад олиш мумкин экан.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, республиканинг 55 та туманларида 2019–2021 йилларда 60 526 гектар майдонда интенсив боғлар ташкил этилди [12].

2-жадвал

2019-2021 йилларда экилган кўчат ва ер майдонлари тўғрисидаги  
МАЪЛУМОТ

№	Экилган кўчатнинг номи	Экилган ер майдони, гектар
1.	Гилос	2700
2.	Ёнғоқ	2450
3.	Олма	4325
4.	Ўрик	1877
5.	Бодом	1406
6.	Шафтоли	1608
7.	Олхўри	1367
8.	Анор	1118
9.	Нок	712
10.	Писта	254

Манба. Жадвал Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

500 минг гектардан зиёд томорқалардан самарали фойдаланиш учун келгуси йил 100 миллион доллар ажратилади. Томорқада деҳқончиликни йўлга қўйиш учун оилавий тадбиркорлик дастури шартлари асосида имтиёзли кредитлар берилади.[13]

2020 йилда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши вакили Жаҳонгир Раҳмонов таъкидлашича, кенгаш томонидан экспортбоп мева-сабзавот маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш, 2 миллион 496 минг 51 тонна ёки қиймати 2 миллиард сўмлик мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга жўнатишга кўмаклашилган. Натижада, 651,5 минг тонна ёки қиймати 368,6 миллион долларлик мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинди. Бунда сабзавотлар ҳажми 454 минг тоннани, қуритилган мевалар 109 минг тоннани, дуккакли экинлар 53 минг тоннани ташкил этди. Бунда экспортга жўнатилган бир тонна маҳсулотнинг ўртача нархи 9 минг долларни ташкил этди.

3-жадвал

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорти

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркиби	2019 йил 9 ойлигида		2020 йил 9 ойлигида		2021 йил 9 ойлигида	
	млн. АҚШ доллари	минг тонна	млн. АҚШ доллари	минг тонна	млн. АҚШ доллари	минг тонна
Сабазавот	449,2	612,8	255,4	581,5	254,0	593,3
Мева ва резаворлар	510,1	418,9	276,3	282,5	215,8	226,6

Манба. Жадвал Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди. (Йил якунланмаганлиги сабабли 9 ойлик маълумотлардан фойдаланилди.)

Қайд этиш керакки, сўнги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорт географияси ҳам сезиларли даражада ўсди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорт географияси ва ҳажми ошиб, 92 та мамлакатга 2,4 млрд долларлик 119 хил турдаги 5,5 млн. тонна маҳсулотлар экспорт қилинди. 24 та янги тўлов қуввати юқори бўлган Норвегия, Швеция, Швейцария, Кипр, Буюк Британия, Люксембург, Австралия, Қувайт, Уммон каби давлатларга мева-

сабзавотлар экспорти йўлга қўйилди. Хусусан, 2020 йилда пандемия шароитига қарамаздан қиймати 1 млрд доллардан (2016 йилга нисбатан 2 баробар кўп) зиёд 1,5 млн.тонна (187%) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинди.[10]

4-жадвал

**Экспорт қилинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тўғрисидаги  
МАЪЛУМОТ**

№	Мамлакатлар номи	2019 йил		2019 йил 9 ойлик		2020 йил		2020 йил 9 ойлик		2021 йил 9 ойлик	
		минг тонна	млн, АҚШ доллари	минг тонна	млн, АҚШ доллари	минг тонна	млн, АҚШ доллари	минг тонна	млн, АҚШ доллари	минг тонна	млн, АҚШ доллари
1.	Қозоғистон	556,5	283,0	419,2	222,5	625,1	251,4	489,2	196,5	482,6	141,9
2.	Россия Федерацияси	245,1	160,6	193,1	120,7	355,2	255,4	278,5	195,1	288,9	207,0
3.	Қирғизистон Республикаси	127,0	320,0	96,7	286,3	136,8	181,1	114,8	139,8	99,7	93,3
4.	Афғонистон	45,5	57,5	27,9	44,1	68,0	49,4	47,7	32,3	-	-
5.	Хитой Халқ Республикаси	55,3	48,5	31,9	28,7	90,8	70,1	19,5	16,8	40,5	33,9
6.	Покистон	76,2	78,8	26,6	53,1	48,5	75,5	18,2	29,8	19,3	39,3
7.	Туркия	65,1	99,3	54,3	91,0	14,4	19,4	9,8	14,1	9,2	15,2
8.	Украина	55,2	32,4	50,7	33,4	27,5	15,3	22,4	11,7	25,6	11,1
9.	Тожикистон	21,0	13,5	14,6	9,8	21,5	10,7	13,6	8,7		
10.	Белорусь Республикаси	14,3	10,6	10,7	6,7	17,3	10,6	10,6	7,4	11,2	6,8
11.	Туркменистон	8,5	9,5	14,4	4,2	13,4	10,4	14,7	5,0	21,3	5,8
12.	Ироқ	14,3	10,6			23,5	10,2	20,8	7,2	2,8	3,9
13.	Германия	2,9	6,6	2,3	4,7	3,0	6,3	2,4	4,8	3,4	6,9
14.	Озарбайжон	6,5	7,3	4,2	4,6	5,4	6,2	3,1	3,6	5,6	6,2
15.	Грузия	-	-	-	-	8,7	5,5	5,3	3,6		
16.	Эрон	-	-	13,4	10,3	-	-	-	-	5,8	5,5
17.	Польша	-	-	8,2	3,3	-	-	-	-	-	-
18.	БАА	27,5	9,7	2,8	3,2	-	-	1,7	2,7	2,8	3,9
19.	Бошқа давлатлар	64,1	38,3	48,7	27,1	26,0	31,0	16,3	17,0	25,6	26,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Ўзбекистонда агро озиқ-овқат соҳасидаги барча маҳсулот етиштирувчи ва ишлаб чиқарувчилар учун минтақавий ҳамда халқаро бозорга воситачиларсиз, мутлақо бепул чиқиш имконини берувчи “rural-cluster.org” янги савдо-ахборот портали ишга тушди. Мазкур портал “Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг органик хўжаликлари ҳамда ўрмон маҳсулотларини Европа Иттифоқи бозорларида кенгайтириш ва ривожлантириш” лойиҳаси — “ELSOFP SA” доирасида ишлаб чиқилган бўлиб, Европа комиссияси томонидан молиялаштирилади. [14]

Сотувчи ва харидорни бир-бири билан боғлашга, ҳар икки томон манфаатларини бирдек ҳимоя қиладиган платформа бўлиб, сифатли савдо-сотиқ алоқаларини олиб бориш имконини беради (Пандемия шароитида жуда ҳам маъқул ҳисобланади). Соҳа вакиллари халқаро савдо жараёнларида иштирок этибгина қолмай, мутахассислардан зарур маслаҳат, экспортни бошлаш ва савдони йўлга қўйишда кўмак олишлари мумкин ҳамда Ўзбекистонда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорт ҳажмини оширишга эришилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғиш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш, қадоклаш ва экспорт қилиш жараёнларини қамраб оладиган замонавий агрологистика марказларининг ўрни аҳамиятлидир. Бугунги кунда юртимизда 31 та агрологистика маркази, 1 минг 500 та совуткич омборлар бор. Уларда жами етиштириладиган мева-сабзавотнинг 4,5 фоизинигина сақлаш мумкин. Бу жуда кам, албатта.

Давлат раҳбари томонидан 2025 йилга қадар совуткичлар сонини 4 минг 500 тага, агрологистика марказларини 140 тага етказиш вазифаси қўйилди.[15]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июлдаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4406-сонли қарорига асосан қуйидаги ишлар амалга оширилган:

#### 5-жадвал

### Республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва замонавий агрологистика марказларини ташкил этиш бўйича амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги вазифалар

	Умумий қиймати, млрд, сўм	Қуввати, минг тонна	Лойиҳа сони	Жумладан:				Яратилган янги иш ўринлари
				Йирик агрологистика	Замонавий агрологистика	Қайта ишлаш	Импорт ўрнини босувчи	
2019 йил	959,6	266,8	71	-	16	99	13	1979
2020 йил	1459,6	374,7	57	-	13	39	5	1979
2021 йил	2484,1	675,2	134	-	17	103	14	4744
2021 йил (режа)	3859,2	3202	90	3	17	61	9	
2022 йил (режа)	2662,7	1526,5	19	5	5	8	1	

Манба. Жадвал Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Ахборот хизмати (<https://mineconomy.uz/uz/news/view/3835>) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Хорижда узум, қовун, тарвуз, қовоқ ва анорнинг уруғлари қайта исланиб, тансиқ маҳсулотлар тайёрланади. Хусусан, бир килограмм тарвуз уруғи ёғи жаҳон бозорида 28 доллар, анор уруғиники эса 350 доллар туради. Агар уларни йиғиб олиш ва қайта ишлаш йўлга қўйилса, йилига 250 миллион АҚШ доллари миқдорида валюта тушуми пайдо бўлади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифати, экспортдаги рақобатбардошлиги малакали лаборатория текширувига ҳам боғлиқ. Уларни синаш бўйича Жаҳон савдо ташкилотининг талабларига мос 775 та стандарт бўлса, мамлакатимизда уларнинг 100 таси жорий қилинган, 100 дан ортиқ лабораториядан атиги 10 таси халқаро даражада аккредитациядан ўтган. Бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналаримизга қийинчиликлар туғдирмоқда. Шунинг учун давлат органлари сифатида “Ўзстандарт” агенлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва тегишли инспекцияларидан озиқ-овқат сифати бўйича халқаро стандартларни жорий қилиши, тўлиқ синовлар ўтказиш имконига эга лабораториялар ташкил этиши замон талабидир.

Ушбу соҳада мамлакатимизда бир қатор ишлар бажарилди. Озиқ-овқат саноати соҳасида 2019 йилда 158 та, 2020 йилда 290 та, 2021 йилда 278 та халқаро стандартлар асл тилида қабул қилинди. 35 та халқаро стандартлар ГОСТ ИСО шаклида қабул қилинди. Бугунги кунда 10 та Европа стандартлаштириш ташкилотидан олинмоқда. [16]

Ҳозирги кунда 112 та туманда 907,000 минг гектар ерни қамраб олган 95 та кластер мавжуд. 2017-2020 йилларда ғалла экинлари 55,1 минг гектарга, яъни 1,12 млн. гектардан 1,77 млн. гектарга қисқарди. Давлат раҳбари томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасида илгари сурилган ташаббуслар мамлакатда агросаноат мажмуасининг ривожланишига кучли туртки беради. Бундай инновацион ёндашув агросаноат мажмуаси иштирокчилари учун ўз бизнесини ривожлантириш, шунингдек, жаҳон бозорида рақобатбардош бўладиган юқори қўшилган қийматга эга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун зарур қўлайликлар яратади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи деҳқон-фермер хўжаликларининг экспорт-импорт операцияларида кўмаклашувчи бир қатор корхоналар тузилмоқда. Шулардан бири “BMW export-import global” шўба корхонаси бўлиб, у 2019 йилда Ўзбекистондан мева-сабзавот маҳсулотларини мунтазам равишда экспорт қилиш ва хорижий мамлакатларнинг бошқа товарларини экспорт-импорт етказиб бериш мақсадида ташкил этилган.

Ўтган давр мобайнида “BMW export-import global” шўба корхонаси кўплаб йирик маҳаллий қишлоқ хўжалиги корхоналари ва кластерлари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, янги мавжуд бўлган сабзавот ва меваларни, зираворлар, полиз, дуккакли экинларни, консервалар, сабзавот ва мевали чипсларни ва концентратлар ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг турларини ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчилар билан ўзаро алоқаларни ўрнатди [17].

Андижон вилояти Асака туманида хорижий инвестиция иштирокидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт ва импорт қилишга ихтисослашган “Mega-agro eks” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон-Белорусия-Россия қўшма корхонаси фаолият олиб бормоқда. Корхонанинг асосий фаолияти қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, уруғлар ҳамда кўчатларини етиштириш, қайта ишлаш ҳамда чет эл давлатларига экспорт қилишдан иборат. Қўшма корхона Асака ҳамда қўшни туманларда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт ва импорт қилиш билан шуғулланади. Ойига 1 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотларни экспорт қилиш қувватига эга [3].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 январдаги «Деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқалари ер участкаларидан янада самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 53-сон қарорига кўра, «Томорқа хизмати» МЧЖлар маҳаллаларга бириктирилган ҳолда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига шартнома асосида уруғ, кўчат ва бошқа зарур моддий ресурслар етказиб беради. Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари «Томорқа хизмати» МЧЖлар томонидан белгиланган тартибда сотиб олинади, уларнинг экспорт қилиниши ташкил этилади [18].

Қарорнинг ижроси сифатида 2020-2021 йиллар мобайнида Наманган вилояти Мингбулоқ тумани тадбиркорлари ташаббуси билан маҳаллий имкониятлардан

оқилона фойдаланиб, нафақат туман ёки вилоят, балки мамлакат миқёсида катта аҳамиятга эга лойиҳаларга киришилаётганидир. Жумладан, “Мингбулоқ экспорт агро томорқа хизмати” томонидан Қолгандарё массивида 100 гектар майдонда қовун етиштириш, уларни сублимация усулида қайта ишлаш ва экспортга йўналтириш лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда. Ушбу лойиҳада 200 дан ортиқ иш ўрни яратилиши, тайёрланган маҳсулот эса Европа давлатлари, БАА, Россия, Хитой ва Индонезияга экспорт қилиниши, экспорт ҳажми эса 4,3 миллиард долларни ташкил этиши кўзда тутилган.

Тумандаги Мадяровул маҳалласида тадбиркор С. Олимжонов томонидан сиғими 500 тоннали музлатгич омбор ва савдо мажмуаси барпо этилмоқда. Тадбиркорнинг уч миллиард сўм сармояси билан қурилаётган мажмуа таркибидаги тикувчилик цехи, савдо ва маиший хизмат шохобчаларида 50 киши иш билан таъминланади.

Шунингдек, “Green House” хусусий корхонаси томонидан 5,8 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция киритиб, 1 минг 500 тонна помидор ва 100 тонна қулупнай етиштиришга мўлжалланган замонавий иссиқхона ва музлатгич омбори, Ҳайитобод маҳалласида бир гектар майдонда интенсив усулда балиқ етиштириш ва 200 ўринли кемпинг қуриш, Бирлашган маҳалласида бир йилда 10 мингта автомобилга полировка ва детейлинг хизмати кўрсатиш каби кўплаб истиқболли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги ишлар ҳам қизғин давом эттирилмоқда [19].

Сиёсий жараёнларда фаол иштирок этаётган Ўзбекистон Тадбиркорлар ва ишбилармонлар либерал-демократик партияси O'zLiDePнинг Нукус туман Кенгаши томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортбоп қилиб етиштириш, фермер хўжаликларини тўғридан-тўғри маҳсулотлар экспортига жалб қилишга қаратилган ишларни йўлга қўйиш, бу йўналишда юзага келиши мумкин бўлган муаммоли ҳолатларни ўрганиш ва бартараф этиш чораларини кўриш мақсадида “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва экспортга чиқариш – устувор вазифа” каби мавзуларда мулоқот олиб борилмоқда [20]. Мулоқотда асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уни экспорт қилиш, ушбу йўналишда юзага келиши мумкин бўлган муаммоли ҳолатларни атрофлича ўрганиш ва бартараф этиш чораларини кўриш, экспортни амалга ошириш тартиб таомилларини ўргатиш бўйича мастер класслар ташкил этилмоқда.

Партиянинг олиб бораётган мулоқот ва мастер-класслари натижасида, Нукус тумани «Қрантаў» ОФЙ ҳудудида жойлашган «Biogimus Farm» фермер хўжалиги томонидан помидор маҳсулоти Франция давлатига экспорт қилиниб келинмоқда. Шунингдек ўтиш жоизки 2020 йил давомида Қорақалпоғистон Республикасидан Қозоғистон, Россия, Тожикистон ва Ироқ мамлакатларига 14,5 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари, яъни 7 млн. АҚШ доллари миқдорида экспорт қилинган.

«Шеробод анор импекс» корхонаси мисолида жавоб олинди. 5 миллион долларлик лойиҳа натижасида анорни қадоқлаш ва қайта ишлаш йўлга қўйилган корхонада ускуналар Жанубий Корея ва Словениядан келтирилган.

Анор бўлмаган пайтда ҳам корхона тўхтаб қолмайди. Мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини саралаб, бозорга чиқаради. 6 минг тонна қадоқлаш, 2 минг тонна анор шарбати ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу ерда 70 киши иш билан

таъминланган. Анор меваси аҳоли ва боғдорчилик хўжаликларидан сотиб олинади. Шеробод туманида бир йилда қарийб 30 минг тонна анор етиштирилади. Шундан 8 минг тоннаси экспортга чиқарилмоқда.

Яқингача туманда 2 минг 400 гектар анорзор бор эди. Жорий йилда ҳосилдорлиги паст бўлган 3 минг гектардан зиёд пахта ва ғалла майдонлари ўрнида фермер хўжаликлари ва тадбиркорлар томонидан анор боғлари ташкил этилди. Бунинг натижасида қўшимча 3 мингта янги иш ўрни яратилди. Уч йилдан кейин бу янги кўчатлардан 18 минг тонна ҳосил олиш мумкин. Унинг 8 минг тоннаси қайта ишланиши ва 10 минг тоннаси экспорт қилиниши режалаштирилган [21].

Ўзбекистон 7800 дан ортиқ маҳсулотларини Буюк Британияга импорт божларини тўламасдан экспорт қилиш имконига эга бўлди. Бирлашган Қироллик мамлакатни кенгайтирилган GSP тизимига қабул қилгани шундай имкониятни тақдим этмоқда [22].

Кенгайтирилган GSP тизими бенефициарлиги Ўзбекистонга умумий қиймати 437 миллиард фунт стерлингдан (тахминан 585,5 млрд доллар) ортиқ дунёнинг етакчи халқаро истеъмол ва чакана савдо бозорига кириш имконини беради.

Буюк Британия учун эса минтақавий марказ бўлиб хизмат қиладиган ва минтақанинг энг жадал ўсаётган ва ривожланаётган бозорига киришни осонлаштиради ҳамда Ўзбекистоннинг ноёб тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва бошқа турли хил маҳсулотларига йўл очади.

### **Хулоса ва таклифлар**

Юқоридаги фикрларимизнинг хулосаси сифатида айтишимиз мумкинки, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг сифат даврини намоён этаётган сўнгги беш йиллик даври мобайнида тарихан ўтган 25 йиллик тажрибанинг танқидий асослари чуқур ўрганилиб, кенг кўламда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бунда ўтган бир неча йиллик ҳар бир давр ўзидан олдингисига нисбатан илгариларча ўсиш суръатларини кўрсатаётир. Истиқлолнинг дастлабки йилларида қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотимиздаги ҳиссаси 30 фоиздан ортиқ бўлган, эндиликда бу 14-15 фоиз салмоқни ташкил этиши билан бир қаторда агро озиқ-овқат ва умуман қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари истеъмоли мустақиллигига эришилди. Шу билан бир қаторда соҳада юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўлами ҳам кескин ошди. Қишлоқ хўжалиги юртимиз саноатининг сифатли хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлари таъминотчиси сифатида ўз ўрнига эга бўлди ҳамда бу борада импорт ўрнини деярли қоплади.

Соҳада бугунги кун талабларидан келиб чиқадиган янги вазифа ва чора-тадбирлар асоси сифатида қуйидаги таклифлар ўринли деб ҳисоблаймиз:

- экспорт билан шуғулланувчи қўшма корхоналар ташкил этиш, ёки тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб этиш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг логистика ва ташиш-транспортировка (бардошлик) кўрсаткичларини ошириш;
- халқаро бозорда юқори талабга эга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш бўйича илғор давлатлар тажрибаларини пухта ўзлаштириш (уруғсиз анор, узум ва бошқалар);
- ахборот алмашилишида рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш зарур, бунда айниқса қишлоқ ва туманлар фаоллигини таъминлаш;

- фермер хўжалиklarининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш билангина чекланмай балки уларни сақлаш, қадоқлаш ва экспортга жўнатиш каби хизматларни ўзлаштиришлари зарур.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон мева-сабзавот экспортини ривожлантиришда менталитет ҳалақит бермоқда <https://uzanalytics.com/iqtisodi%D0%B5t/6120/>

2. Назаров А. М., Абдурайимов А. Р. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш орқали мамлакат экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари. Academic research in Educational sciences volume 2 | ISSUE 6 | 2021 ISSN: 2181-1385 Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723 DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-310-318 Academic Research, Uzbekistan 310 [www.ares.uz](http://www.ares.uz)

3. <http://auz.uz/news>

4. Сергей Зоря Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонасида қишлоқ хўжалик муаммолари бўйича етакчи иқтисодчиси.

5. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини самарадор ва рақобатбардош қилиш йўллари. <https://www.gazeta.uz/uz/2019/07/08/agriculture/>

6. Андрей Ярмак – БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) инвестиция бўлимининг иқтисодчиси, қишлоқ хўжалиги иқтисоди ва менежменти бўйича етакчи мутахассис, собиқ иттифоқ мамлакатлари қишлоқ хўжалигида БМТнинг лойиҳаларини тадбиқ этишда катта тажрибага эга.

7. Хасанов С. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази етакчи илмий ходими мустақил изланувчи. Ўзбекистонда мева-сабзавотликни ривожлантириш тенденциялари ва истиқболлари "Экономическое обозрение" журналы 2020 йил 6 (246)-сон.

8. Ҳасанов Ш.Т. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ривожланишининг асосий йўналишлари // «Аграр тармоқ иқтисодий салоҳиятини оширишда институционал ислохотлар ва агрокластерларни ривожлантиришнинг ўрни: муаммо ва ечимлар» мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. / Муаллифлар жамоаси. –Т.: ТДАУ таҳририят нашриёт бўлими, 2021. 9-11- бетлар.

9. Сирожиддинов К.И. Мева-сабзавот экспортини ривожлантириш масалалари. Iqtisodiyot: tahlillar va prognozlar № 2 (13) Апрель-июнь, 2021 йил 41-46 бетлар.

10. <https://review.uz>

11. Абдуллаев Ж. “Caravan Gardens” компанияси бош директори. Ўзбекистонлик экспортчи мева-сабзавот етиштиришдаги муаммоларни санаб ўтди <https://kun.uz/news/2020/01/04/ozbekistonlik-eksportchi-meva-sabzavot-yetishtirishdagi-muammolarni-sanab-otdi>

12. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини самарадор ва рақобатбардош қилиш йўллари. <https://www.gazeta.uz/uz/2019/07/08/agriculture/>

13. 2021 йил 24 ноябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигидаги қишлоқ хўжалиги ерларини ижарага бериш, мева-сабзавотчилик кластерлари ҳамда

томорқа хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши <https://uza.uz/uz/posts/35-ta-tomorga-xizmati-klasteri-tashkil-etiladi-323432>

14. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини хорижга экспорт қилишга ёрдамлашадиган савдо-ахборот портали ишга тушди. <http://zaman.uz/2525-z.html>

15. Замонавий агрологистика марказлари барпо этилиб, қишлоқ хўжалигида кооперация кенгайтирилади <http://www.uzngi.uz/uz/press/uzbnews/2019/07/1739/?PRINT=Y>

16. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Ахборот хизмати <https://mineconomy.uz/uz/news/view/3835>

17. <https://bmb-tg.uz/site/company?id=8>

18. Маҳаллалар экспортбop қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ихтисослаштирилади. <https://telegra.ph/Ma%D2%B3allalar-ehksportbop-%D2%9Bishlo%D2%9B-h%D1%9Ezhaligi-ma%D2%B3sulotlarini-etishtirishga-ihhtisoslashtiriladi-02-10>

19. <http://uza.uz/oz/business>

20. Умарова Г. Халқ депутатлари Нукус туман Кенгашидаги О‘зЛиДеР депутатлик гуруҳи ижрочи котиби. Нукус туманида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш масалалари муҳокама қилинди <https://uzlidep.uz/news-of-party/8645>

21. Саматов Ф. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О‘зЛиДеР фракцияси аъзоси. Шерободдан 10 минг тонна анор экспортга чиқади. <https://xs.uz/uzkr/post/sheroboddan-10-ming-tonna-anor-eksportga-chiqadi>

22. <https://kun.uz/news>